10 НОЯ 1984
10 НОЯ 1984

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 248 (5539).
29 ОКТЯБРЬ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МЕЪМОРЛАРНИНГ ЮКСАК БУРЧИ

ЎЗБЕКИСТОН АРХИТЕКТОРЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ЮБИЛЕЙ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Архитекторлар союзига эллик йил тўлди.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг 27 октябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган юбилей пленуми ана шу шонли санага бағишланди. Пленумни СССР халқ архитектори А. Б. Бобохонов очди.

Йиғилиш аҳли Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзига табрикномасини самимий кутиб олди. Табрикномани Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев ўқиб эшиттирди ва нутқ сўзлади. У республика архитекторлар союзига Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг фахрий ёрлиғини топширди. Ижодий союз ўзбек совет архитектурасини ривожлантиришдаги хизматлари, замонавий гражданлик, саноат, қишлоқ архитектура комплексларини, бинолар, иншоотларни барпо этишга катта ҳисса қўшганлиги учун ҳамда ташкил этилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан шу мукофотга сазовор бўлди.

Бугунги кунда Архитекторлар союзи етти юздан кўпроқ меъморни бирлаштириб турибди. Уларнинг катта қисми республика институтларини битириб чиққан кишилардир. Дастлаб бу союз атиги йигирма етти кишидан ташкил топган эди. Республика ҳаритасида 120 та шаҳар мавжуд. Шулардан 100 таси совет даврида бунёд этилиб, мамлакатимиз қардош халқларининг улуғ дўстлиги туфайли қад кўтарган. Юзлаб қишлоқлар мутлақо янги қиёфа касб этиб, қўриқ ерларда ҳам янги қишлоқлар барпо этилди. Қурилиш соҳасида кўп ишлар бажарилди, аммо ҳали бундан ҳам кўпроқ ишларни амалга ошириш керак — партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорлари архитекторлардан мана шуни талаб этмоқда.

Нотиқлар — Ўзбекистон Архитекторлар союзи правлениесининг раиси Т. Ф. Қодирова, СССР Архитекторлар союзи правлениесининг секретари Г. В. Ильинский, Озарбайжон ССР Архитекторлар союзи правлениесининг раиси М. А. Усейнов, Тошкентдаги 1-уйсозлик комбинати бетончиларининг бригадири Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Х. Орипов, Ўзбекистон ССР Архитекторлар союзи Қорақалпоғистон ташкилотининг раиси К. Молутов, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Г. А. Пугаченкова архитекторларнинг халқ олдидаги масъулияти тўғрисида, шаҳар қурилиши ва архитектура ечимлари сифатини ошириш зарурлиги ҳақида гапирдилар. Республикада экономикадаги, лойиҳалаш иши ва қурилишдаги салбий ҳодисаларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XVII пленумларининг қарорлари архитекторлар билан қурувчиларнинг зиммасига юклаган масъулият қайд этиб ўтилди.

Ҳар бир шаҳар ва қишлоқнинг ўзига хос бадиий ифодали қиёфасини яратиш — архитекторларнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири эканлиги таъкидланди. Чунки, устахоналарда — ватман ва калька қоғозларида бунёдга келаётган янги иншоотлар учинчи минг йилликда диёримизга кўрк бериб туриши лозим.

Кўпгина нутқларда айни бир хил фикр, яъни ижодий союз меъморларни, айниқса, ёшларни ғоявий-сиёсий ва профессионал жиҳатдан тарбиялаш тўғрисида, ҳар бир коллективда чинакам ижодий муҳит ва юксак талабчанликни вужудга келтириш ҳақида кўпроқ ғамхўрлик қилиши зарур деган фикр изҳор этилди.

Пленум қатнашчилари Ўзбекистон меъморлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олишга астойдил интилаётганликлари тўғрисида гапирдилар.

Юбилей пленуми қатнашчилари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненкога ғоят баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ғ. Х. Қодиров, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари В. Г. Духанин иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

Ягона сиёсий кун

ЎЗБЕКИСТОН—ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР ОИЛАСИДА

Ўзбекистон ССР ўзи ташкил топган кундан буён ўтган олтмиш йил мобайнида коммунистик партия раҳбарлигида, ленинча миллий сиёсат изчиллик билан амалга оширилиши туфайли тараққиёт йўлидан шахдам одим ташлади. 27 октябрь куни республиканинг шаҳар ва қишлоқларида Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Ўзбекистон ССР халқларининг қардошлик оиласида» мавзуидаги ягона сиёсий куннинг тантанали равишда ўтишига оид фикрни ўртоқлашдилар.

Саноат корхоналари, қурилишлар, колхоз ва совхозлар, муассасалар, ўқув юртларининг меҳнатчилари ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, шунингдек Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссиясининг аъзолари, область, шаҳар, район партия комитетларининг аъзолари, совет, касаба союз, комсомол ташкилотларининг масъул ходимлари, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари, партия ветеранлари, Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини барпо этиш учун кураш қатнашчилари лекция ва докладлар қилишди, йиғилган кишиларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб қайтаришди. Улар коллективларни шонли юбилей билан сидқидилдан табрикладилар. Юбилей йилининг «оқ олтин» ҳосилини тезроқ териб олиш йўлидаги умумхалқ кураши давом этаётган дала шийпонларида кўпгина учрашувлар бўлиб ўтди. Сўзга чиққан нотиқлар республика тарихидаги шонли санани шаҳар ва қишлоқ меҳнатчилари КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил октябрь Пленуми қарорлари, ўртоқ К. У. Черненконинг Пленумдаги нутқи туфайли юзага келган юксак меҳнат жўшқинлиги вазиятида кутиб олишда Тошкент саноати планга қўшимча 41 миллион 380 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шаҳар қурилиш ташкилотлари эса 536,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирди. Сиёсий докладчилар меҳнаткашларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ягона сиёсий кунда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг берган йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларига амал қилиб, Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

Меҳнат коллективларининг вакиллари коммунизм ва қардошларча совет интернационализми ғояларига астойдил садоқатли Ўзбекистон ишчилар синфи, деҳқонлари ва зиёлилари олтмиш йил мобайнида республика эришган муваффақиятларни кўпайтирадилар, Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини янги зафарлар билан кутиб оладилар, деб ваъда бердилар.

Ягона сиёсий кунда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг йиллиги шонли юбилейи муносабати билан ягона сиёсий кун ҳарактерида катта сиёсий воқеа бўлиб, Коммунистик партиянинг доно ленинча миллий сиёсати ёркин далилидир.

26 октябрда шаҳардаги касалхоналар, қурилишлар, ўқув юртлари, фан, соғлиқни сақлаш, маиший хизмат кўрсатиш, коммунал хўжалиги муассасаларида, 27 октябрда эса Тошкент, Сирдарё, Жиззах областлари хизматларида яъни меҳнат коллективларининг вакиллари, ўқувчилар, студентлар, меҳнат қилаётган жойларда раҳбар кадрларнинг қатнашчилар билан амалий машғулотлари бўлиб ўтди.

СССР халқларининг қардошлик оиласида, ҳаётнинг барча соҳаларида жуда улкан социал-иқтисодий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон ҳам даражада ривожланган индустриал-аграр республикага айланди, ягона халқ хўжалик комплексининг таркибий қисми бўлиб қолди.

Бутун республика меҳнаткашлари қатори Тошкент меҳнаткашлари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигини юксак сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги вазиятида кутиб олдилар. Шу йилнинг тўққиз ойида Тошкент саноати планга қўшимча 41 миллион 380 минг сўмлик маҳсулот реализация қилди. Шаҳар қурилиш ташкилотлари эса 536,8 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирди. Сиёсий докладчилар меҳнаткашларнинг кўплаб саволларига жавоб бердилар.

Ягона сиёсий кунда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон пойтахти — Тошкент меҳнаткашлари партия XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненконинг берган йўл-йўриқлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XVII пленумлари қарорларига амал қилиб, Улуғ Октябрнинг 67 йиллигини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини, КПСС XXVII съездини муносиб ютуқлар билан кутиб олиш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этадилар.

ҚИШНИ ТЎЛА ШАЙ ҲОЛДА КУТИБ ОЛАЙЛИК

Ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн иккинчи сессияси

25 октябрь куни ўн саккизинчи чақириқ халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг ўн иккинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси В. О. Козимов очди.

Сессия раиси этиб 343-сайлов округидан депутат С. А. Хўжаева, сессия секретари этиб 61-сайлов округидан депутат В. А. Харитонов сайланди.

Сессия қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ҳисоботи юзасидан 1984 йил 11 сентябрда қабул қилинган қарори талабларини асосида уй-жой фонди, иссиқлик манбалари ва иссиқлик тармоқларининг қиш шароитида ишлашга тайёрлиги тўғрисида шаҳар уй-жой бошқармаси, «Таштеплокоммунэнерго», «Ташгеплосеть» ва «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмалари раҳбарларининг ҳисоботлари.

2. Шаҳар суди раиси тўғрисида.

Сессияда У. А. Ризаев, Л. А. Костин, Н. И. Убайдуллаев ва Е. Б. Кейнов сўзга чиқдилар.

Сессияда Ўзбекистон Компартияси Акмал Икромов район комитетининг биринчи секретари, 51-сайлов округидан депутат Ҳ. К. Камолов, халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитетининг раиси, 86-сайлов округидан депутат Ж. М. Жонибеков, Ўзбекистон ССР Махсус монтаж қурилиш ишлари министри ўринбосари А. И. Клеблеев, «Тошкент тракторзаводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси кранчиси, 158-сайлов округидан депутат Д. Ғ. Алимуҳамедова, «Главташкентстрой» бошлиғи ўринбосари Қ. А. Солиҳов, трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи, 87-сайлов округидан депутат В. П. Загуменнов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раиси, 172-сайлов округидан депутат В. О. Козимов сўзга чиқдилар.

Шаҳар суди раиси тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров сўзга чиқди.

Сессия адресига иккита депутатлик сўрови — 58-сайлов округидан депутат Ф. А. Полтаева ва 241-сайлов округидан депутат А. М. Просинадан тушди. Депутатлик сўровларига аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ва Киров район Совети ижроия комитетига Юнусобод массивидаги маиший хизмат шаҳарчаси қурилиши ва фойдаланишга топширилишини тезлаштиришни, Ж. А. Шорахмедовга пассажир транспорти, чунончи Ишчилар шаҳарчасига қатновчи 48-автобус ишини яхшилашни топширди. Бажарилган ишларнинг натижалари тўғрисида сўров билдирган депутатларга шаҳар Советининг навбатдаги сессиясида хабар қилиш топширилди.

Тошкент шаҳар Советининг сессияси КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1984 йил) Пленуми иш якунлари чиқарилган, улкан сиёсий активлик вазиятидаги ажойиб кунларда йиғилди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко Пленумда сўзлаган нутқида шундай деди: «Партия кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг меҳнати ва турмуши учун, маданий ҳаётини янада равнаж топтириш учун тегишли шарт-шароитларни вужудга келтиришни ишлаб чиқаришдаги муваффақиятларнинг негизи деб билмоқда».

Ҳисоботлар ва музокарада сўзга чиққан депутатларнинг сўзларида куз-қиш шароитида шаҳар аҳолисининг ишлаши ва турмуш кечириши учун худди шундай қулай шароитлар яратиш ҳақида гапирилди. Ўтган қишда қаттиқ совуқ тушгач, қатор саноат корхоналарининг иши қийинлашди, шаҳар аҳолиси анча ноқулайликларга дуч келди. Меҳнаткашларнинг иситиш ёмонлиги, иссиқ сув етказиб беришдаги узилишлар, томлардан чакка ўтиши ҳақидаги кўплаб хатлари ва шикоятлари шундан далолат берган эди. Ана шу нуқсонлар ҳақида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг шаҳар ва уй-жой коммунал хўжалик объектларини қиш шароитида ишлашга тайёрлаш бўйича иши тўғрисида»ги қарорида ҳаққоний кўрсатиб ўтилган эди.

Уй-жой фондини қишга тайёрлашнинг бориши Тошкент шаҳар партия комитети бюросида, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети мажлисларида, бошқарма советларида бир неча бор кўриб чиқилган, камчиликлар ва нуқсонлар чуқур таҳлил этилган, тавсиялар, камчиликларни йўқотиш учун амалий ёрдам берилган эди. Қишга тайёргарлик бўйича тадбирлар бажарилишини бардод этган район ва уй-жой ташкилотларининг раҳбарларига принципиал баҳо берилган эди. Чунончи, Октябрь уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трести бошқарувчиси Ҳ. Убайдуллаев, Чилонзорники — Ю. Раҳимов ва Киров уй-жой ишлаб чиқариш эксплуатация трести бош инженери В. Гальперн вазифаларидан озод этилдилар.

Сессияда шаҳар уй-жой бошқармаси бошлиғи У. А. Ризаевнинг ҳисоботида қуйидаги маълумотлар келтирилди: тўққиз ой мобайнида уй-жой фондини капитал ва жорий ремонт қилиш плани бажарилди, 310,3 минг квадрат метр турар жой ремонтдан чиқарилди, 123 та уйнинг томи капитал ремонт, 182 та конденсат квартира ремонт қилинди, 105 та уйда иссиқлик радиаторлари ўрнатилди ва бошқа ишлар бажарилди.

Бироқ, сессияда кўрсатиб ўтилдики, ана шу ишларнинг ҳаммаси ҳам белгиланган муддатларда тугалланмади. «Узгазсантехмонтаж» бошқарувчиси С. Раҳмонов, махсус монтаж қурилиш ишлари министри ўринбосари А. Клеблеев, шаҳар хўжалиги объектларини капитал ремонт қилиш бошқармаси бошлиғи Ж. Мақсудовнинг айби билан 44 та уйда радиаторли иситишга ўтиш ишлари тугалланмади.

Бу йил шаҳар иссиқлик таъминотини яхшилаш мақсадида «Таштеплок о м м у н энерго» — иссиқлик таъминоти системаларини эксплуатация қилиш ва ремонт қилиш бўйича ишлаб чиқариш бирлашмаси тузилган эди. Унинг балансига 600 километрга яқин ички квартал иссиқлик тармоқлари, 67 та қозонхона берилди.

Бирлашма бошлиғи Л. А. Костиннинг ҳисоботида кўрсатиб ўтилдики, шаҳар Совети ижроия комитети 1984 йил 10 майда тасдиқлаган қишга тайёргарлик бўйича асосий тадбирлар планига мувофиқ бирлашма ва унга берилган ташкилотлар олдига 41,6 километрли иссиқлик тармоғи ётқизиш вазифаси қўйилган эди. Бироқ, «Главташкентстрой» ва «Ташсантехгазмонтаж» трести бўлинмалари иш ҳажмининг фақат 75 процентини бажаришди.

Иссиқлик тармоқлари ётқизиш ва уйларга иссиқлик бериш бўйича 159, 12, 4-трестлар, 1-уйсозлик комбинати ишларни тугаллашмади. Фақат 12-трестнинг 50-қурилиш бошқармаси бошлиғи Пономаренко ва «Ташсантехгазмонтаж» трестининг механизация бошқармаси бошлиғи Головлевнинг ўз вазифаларига масъулиятсизликлари оқибатида Чилонзорнинг 23-кварталдаги 28 та уй аҳолиси иссиқ сувсиз яшаяпти. Ички квартал иссиқлик тармоқлари ўз вақтида созланмагани оқибатида 200 дан зиёд уй иссиқ сув таъминотидан маҳрум этилди.

Тошкент иссиқлик маркази ва иссиқлик тармоқларининг кузқиш даврида ишончли ишлашини таъминлаш мақсадида комплекс тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди,— дейди «Таштеплосеть» корхонаси директори Н. И. Убайдуллаев.— Бажарилган ишлар — умумий узунлиги 44,6 километрли 16 та объект капитал ремонт қилиниши, 4,2 километрли носоз магистрал қувурлар алмаштирилиши, етказиб берувчи ва қайтарувчи шикастланган қувурларнинг олиб ташланиши — шу иситиш мавсумида магистралларнинг ишончли ишлашига шароит яратади. Айрим турар жой массивлари иссиқлик таъминотини яхшилашга имкон беради. «Шимоли-Шарқий» насос станцияси қурилиши ҳам кечикяпти.

Тўқимачилик комбинати эҳтиёжлари учун Тошкент ТЭЦини реконструкция қилиш суст олиб бориляпти. Пудратчи «ТашГРЭСстрой» бошқармаси объектда 30 ўрнига 7—8 кишини ишлатяпти. Бу ерда 570 ўрнига атиги 306 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди.

— Ўтган қишда «Ташгаз» бирлашмаси томонидан ажратилган фондлар ҳажмида газ етказиб берилди, лекин шаҳар газ тармоқларидаги гидравлик режим ва босим 1 («Шимоли-Шарқий»), 3 («Ғарбий»), 5 («Чилонзор») район қозонхоналарида совуқ кунларда тегишли ҳароратни сақлаш имконини бермади, — деб кўрсатиб ўтди ўз ҳисоботида «Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи Е. Б. Кейнов. — Бу йил ана шу қозонхоналарга газ етказиб бериш яхшиланяпти. «ТАШГРЭС»дан 1-район қозонхонасигача 7,4 километрли газ қувурлари ётқизилиши туфайли бунга эришилди.

Узунлиги 25 километрли газ тақсимлаш станциясидан газ етказиб бериладиган бўлди. Буларнинг ҳаммаси Октябрь, Собир Раҳимов районларидаги ва шаҳарнинг марказий қисмидаги уй-жойларнинг иссиқлик таъминотини яхшилаш имконини беради. «Ғарбий» қозонхонанинг ишини енгиллатиш 5-«Чилонзор» қозонхонасининг газ таъминотини яхшилайди.

Сессияда кўрсатиб ўтилдики, корхоналарнинг кўплари резерв ёқилғидан ишлашга жиддий тайёрланяпти. Булар— трактор, лак-бўёқ заводлари, авиация бирлашмаси, вагон депоси кабилардир. Бироқ, «Узбекс е л ь м а ш», «Средазкабель» бирлашмаларида, «Компрессор» заводи, «Промэнерго» корхоналари, қоғоз фабрикаси, 1-уйсозлик комбинатида зарур резерв ёқилғи запаслари яратилмаган.

Сессияда кўрсатиб ўтилганидек, газдан оқилона фойдаланиш бўйича аҳоли ўртасида етарлича иш олиб борилмаяпти. Халқ депутатлари, маҳалла комитетлари ёрдамида ҳар бир кубометр газ тежалиши ва оқилона сарфланишига эришмоқ лозим.

Докладчилар ва музокарада сўзга чиққан депутатлар таъкидлашдики, муассасаларга қарашли, айниқса, «Главташкентстрой», Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги, «Узбекгидроэнергострой» трести, «Таштекстильмаш» заводи, «Средазкабель» бирлашмаси, Тошкент тўқимачилик комбинати кабиларга қарашли уй-жой фондидан фойдаланишда бир қанча нуқсонлар аниқланди. Шаҳар уй-жой органлари томонидан турар жойларнинг инженерлик коммуникациялар н д а н ишончли фойдаланиш борасида зарур тадбирлар кўрилмаган, аҳоли ўртасида қонинқарсиз иш олиб бориляпти. Киров, Куйбишев, Октябрь районларидаги 39 та уй ертўласини сув босган, 750 тадан зиёд квартирада ўзбошимчалик билан балконларга ўрнатилган радиаторлар ҳалигача олиб ташланмаган.

Сессия кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

Сессия пенсияга чиқиши муносабати билан шаҳар судининг раиси С. С. Салимовни вазифасидан озод қилди.

БИЗ ҲАММАМИЗ—ПАХТАКОРМИЗ



ПАХТАЗОРДАН ДАРАКЛАР
№ 24

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ
ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ

ГАЗЕТАЛАРИ, ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА «ГЛАВТАШПАССАВТОТРАНС» БОШҚАРМАСИНИНГ ОТАЛИҚДАГИ ОБ-ҲАСТЛАР ПАХТА ДАЛАЛАРИДАГИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

Махсус мухбирларимиз А. Хатамов, Г. Каримов, М. Юнусовлар хабар қилдилар.



«ОҚ ОЛТИН» — ВАТАНГА

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 27 октябргача бўлган маълумот.

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён.

Фарғона	1,16	92,35
Тошкент	1,22	90,12
Наманган	1,23	87,46
Андижон	0,97	83,66
Сурхондарё	1,01	78,80
Хоразм	1,18	78,45
Сирдарё	1,60	75,76
ҚҚАССР	1,40	84,94
Самарқанд	1,28	64,35
Жиззах	1,07	58,16
Бухоро	0,59	57,77
Навоий	0,98	54,51
Қашқадарё	0,81	42,38
Республика бўйича:	1,10	72,12



СТУДЕНТЛАР ҚЎШГАН ҲИССА

Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтун студентлари шонли анъанага кўра Октябрь районидаги С. Раҳмонов номли совхоз чўлқувварларига яқиндан ёрдам бериб, пахта йиғим-теримида актив қатнашишмоқда. Мана уч йилдирки, бўлажак инженерлар хўжалик пахтакорлари билан бир сафда туриб меҳнат қилган ҳолда «оқ олтин»ни тез ва соз териб олинишига ўз ҳиссаларини қўшишяпти. Институт проректори, дала штабининг бошлиғи В. В. Фёдоров шундай ҳикоя қилади:

— Бу йилги йиғим-терим ишларига институтнинг 2 мингга яқин студенти жалб этилган. Улар хўжаликнинг 20 дала шийпонига жойлаштирилган. Студентҳашарчилар учун пахтакорлар барча қулайликларни яратиб беришди. Улар ўзларига кўрсатилаётган ғамхўрликка жавобан пахта даласида жавлон уришяпти. Ўтган 20 кунда студентлар кучи билан 2 минг тоннадан кўпроқ пахта терилди. Ҳашарчилар ўртасида социалистик мусобақа яхши уюштирилганлиги меҳнатнинг унумли бўлишини таъминлаяпти. Мусобақа ўз вақтида якунланиб, илғорлар рағбатлантириб борилмоқда.

Мусобақадошлар ўртасида илғорлар кўплаб топилади. Узаро меҳнат беллашувида доцент А. Ортиқов раҳбарлик қилаётган қурилиш факультети бригадаси байроқдорлик қилаяпти.

Пахтазорда меҳнат суроне кун сайин авж олмоқда. Деҳқонларимизнинг пешона терини эвазига етиштирилган «оқ олтин»ни охирги граммларигача йиғиб-териб олиш — студент-ҳашарчиларнинг азму қарорига айланган.

СУРАТЛАРДА: темир йўл транспорти инженерлари институтининг студентлари пахта йиғим-теримида.



ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзбек совет архитектурасини ривожлантиришдаги хизматлари, замонавий гражданлик, саноат, қишлоқ архитектура комплексларини, бинолар ва иншоотларни барпо этишга қўшган катта ҳиссаси учун ҳамда Ўзбекистон Архитекторлар союзи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги муносабати билан «Узниипградостроительство» институтининг лойиҳалар бош архитектори Серго Михайлович **Сутягин**, Самарқанд шаҳрининг бош архитектори Неъматжон Исмоилович **Содиқов** ўртоқларга **«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор»**; А. Беруний номидаги Тошкент политехника институтининг катта ўқитувчиси ўртоқ Владимир Степанович **Лисовга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»** фахрий унвонларини берди.

Ўзбекистон Архитекторлар союзи аъзоларидан бир группаси Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ҲИСОБОТ ВА САЙЛОВЛАР

АКТИВ ПОЗИЦИЯДА БЎЛИШ — КОММУНИСТ БУРЧИ

ЙИҒИЛИШДАН КЕЙИНГИ ИНТЕРВЬЮ

Қуёш тўқсиқ мосламаларни заводни партия ташкилотида бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишидан сўнг мухбиримиз партия бюросининг секретари В. Пирогов ва унинг ўринбосари Н. Коношенко билан учрашди. Завод коммунистлари партия бюросига В. Пироговни еттинчи марта, Н. Коношенконни олтинчи марта сайлашди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида коммунистларни ғоявий-сиёсий ва меҳнат руҳида тарбиялашда партия йиғилишларининг ролини ошириш вазифаси қўйилган эди. Партия йиғилиши аслида коммунистларни тарбиялаш мактаби бўлмоғи керак. Корхонангиз партия бюроси пленумнинг бу қарорини қандай бажаряпти?

— Биз аввало, меҳнат коллективимизнинг долзарб масалаларни партия йиғилишларида муҳокама этишига интиляпмиз. Масалан, ишлаб чиқаришда коммунистларнинг ролини ошириш масаласини олиб кўрайлик. Энг йирик —ёғочни қайта ишлаш цехининг иши тўғрисида партия йиғилишида гап борди. У ерда 130 киши меҳнат қилади. Шундан 10 нафари коммунистдир. Цехда кенг ассортиментда моллар ишлаб чиқарилади. Лекин ёғоч етмай қолиши натижасида цех бир маромда иш олиб бормаяпти. Бу эса бутун завод коллективининг иш якунларига таъсир кўрсатяпти. Завод номенклатура бўйича планни бажармади.

Р. Виприцкая бошчилик қилаётган партия группаси бутун коллектив ишига сезиларли таъсир кўрсата олмаяпти, унинг етакчисига айлана олмаяпти. Коммунистлар йиғилиши деярли ўтказилмайди. Коммунист, цех бошлиғи А. Отабеков коллективда кадрларни жой-жойига қўйиш масаласини эътибордан четда қолдирган. Ҳисобот-сайлов йиғилишида коммунистлар партия қуйи ташкилотларида ишларни бўшаштириб юборгани учун партия бюросини танқид қилишди.

Июль ойидаги йиғилишда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Август ойида комсомол ташкилотида иш олиб бораётган коммунистлар ҳақида гап борди. Коммунистлар О. Фёдорова ва М. Миршарипов барча комсомолларда актив ҳаётий позицияни тарбиялаш тўғрисида етарлича иш олиб боришмаяпти.

— Партия йиғилишларида, партия бюроси мажлисларида топшириқларнинг бажарилиши тўғрисида ҳисоботлар тингланаяптими?

— Ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишида партия бюроси партия топшириқларининг бажарилиши устидан назоратни бўшаштириб юборгани учун танқид қилинган эди.

Йиғилишлардан бирида коммунистларга партиявий топшириқлар бериш ва унинг ижроси ҳақидаги масала кўриб чиқилди. Шундан сўнг коммунистлардан С. Тимкаева, Х. Сафаровалар топшириқ беришларини сўраб илтимос қилишди. Ҳозир улар ўз зиммаларидаги топшириқларни виждонан бажармоқдалар. Партия йиғилишларида кўпгина коммунистларнинг ҳисоботлари тингланди.

— Сўз ва иш бирлигига амал қилиш партия ташкилотининг обрў-эътиборини оширади. Коммунистларнинг партия йиғилишларида билдирган танқидий мулоҳазалари қандай бажариляпти?

— Йил бошида Сергели район партия комитети партия ва касаба союз ташкилотларининг мураббийлар билан қандай иш олиб борилаётганини текширди. Кўпгина нуқсонлар аниқланди. Бу танқиддан сўнг ҳужжатлар тартибга келтирилди. Участкаларда кўргазмали агитация йўлга қўйилди. Мураббийлар советининг янги составини сайланди. Олдинги ҳисобот-сайлов йиғилишида билдирилган 9 та танқидий мулоҳазадан 7 таси бажарилди, қолганлари ҳам адо этилмоқда. Масалан, маъмурият рухсати билан ишдан кетиш ва кадрлар қўнимсизлиги ошгани ҳақида эътироз билдирилган эди. Шундан сўнг ҳар ойда цехлар бўйича бу иш таҳлил этилди. Жамоатчи кадрлар бўлимининг янги составини иши активлаштирилди. Уларнинг саъе-ҳаракати туфайли ишдан бўшаш тўғрисида ариза берган ўн беш кишидан беш нафари коллективда қолди.

Г. Сесюнина цехларда тарбиявий ишлар олиб боришдаги камчиликлар тўғрисида гапирган эди. Ҳисобот даврида бир неча бор бу масала кўриб чиқилди. Апрель ойидан бошлаб эса меҳнаткашларни ғоявий ва ахлоқий руҳда тарбиялашни ташкил этиш масалалари бўйича планёркалар ўтказиладиган бўлиб қолди.

Бироқ, ҳали партия бюроси ўзи қабул қилган қарорларнинг вақтида, сифатли бажарилиши учун кўп иш қилиши керак.

Ҳисобот-сайлов партия йиғилишида Н. Коношенко партия йиғилишлари қабул қилган қарорларнинг ижросини текшириш ва контрол тўғрисидаги масалани кўтарди. Йиғилишларда коммунистлар мулоҳазаси ва қабул қилинган қарорлар қандай бажарилаётгани ҳақида ахборот берилмоқда,— деди у.

— Бироқ ижрочилар бир четда қолиб кетмоқда. Агар белгиланган тадбирни бажариш муддати бошқа кунга кўчирилса, ҳеч кимни жазоламаяпмиз. Ҳолбуки, ҳар бир коммунистга талабчанлик оширилгандагина, биз ижрочилар масъулиятини кучайтиришга эришамиз.

— Коммунистлар партия бюросига қандай истак ва наказлар беришди?

БУГУН — КОМСОМОЛ ТУҒИЛГАН КУН

ТОШКЕНТ КОМСОМОЛИ

Комсомолчилар саҳифаси



«Ташсельмаш» заводининг Х. Сафарбоев бошлиқ бригадаси комсомол туғилган кун ҳамда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини кутиб олди.

СУРАТДА: Х. Сафарбоев бригадаси.

ПАРТИЯ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ

Бугун Ленин комсомоли 66 ёшга тўлади. Бу йил Ўзбекистон комсомоли учун янада алоҳида йил бўлиб, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланяпти.

Бу йил бошқа муҳим воқеаларга ҳам бой бўлди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ К. У. Черненконинг Умум армия комсомол ташкилотлари секретарларининг кенгашида сўзлаган нутқида, КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисида»ги қарорида комсомол олдига катта вазифалар қўйилди. Шу икки ҳужжат ёшларнинг яратувчанлигига, уларнинг партия ва халқнинг революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарини янада кўпайтиришга тайёр эканликларига ишонч руҳи билан суғорилган.

Ўзбекистон пойтахти ёшлари барча ишлари билан ана шу ишончни оқлашга, партиянинг содиқ ва ишончли ёрдамчиси бўлишга интилмоқдалар.

Олти мингдан зиёд ёш меҳнатчи, мингдан зиёд комсомол-ёшлар коллективлари «Ёшларнинг зарбдор меҳнати, билими, ташаббускорлиги ва ижодкорлиги — ўн биринчи беш йилликка» шиори остида ишлаб, ғайрат-шижоат намуналарини кўрсатишяпти. 40 мингдан ортиқ ёш меҳнатчи «Коммунистик меҳнат зарбдори» номига сазовор бўлган. Биз Тошкент заргарлик заводи ишчиси, комсомол ёшлар бригадаси бошлиғи, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати, III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени кавалери Абдурашид Ғаннев, «Союзювелирпром» Бутуниттифоқ касб маҳорати конкурси ғолиби, ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Олтин қўлли уста» нишони билан тақдирланган Андрей Иванов, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадаси бригадири, Ўзбекистон ЛКСМ Октябрь район комитети аъзоси Светлана Афанасьева, ВЛКСМ XIX съезди делегати, чарм-галантерея ва спорт товарлари бирлашмаси тикувчиси Муқаддас Юнусова ва бошқаларнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улар Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича социалистик мусобақада пешқадамлик қилишди ва байрамга меҳнат туҳфалари тайёрлашди.

Бугунги кунда шаҳар комсомоли давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг 300 турига отлиқ қиляпти, 30 мингдан зиёд комсомол аъзоси шахсий тамға билан ишлаш ҳуқуқига сазовор бўлган. Халқ хўжалигининг энг муҳим объектлари қурилиши ва реконструкция қилинишига оталиқ қилиш шаҳар комсомолининг зарбдор иши бўлиб қолди.

Ўзбекистон пойтахти ёшларининг 250 дан зиёд вакили республика ав Бутуниттифоқ зарбдор қурилишларида, РСФСРнинг Ноқоратупроқ зонасини ўзлаштиришда самарали ишлаяпти.

Совет халқи Улуғ Ватан урушида қозонган Ғалабасининг 40 йиллигига ёшлар ва студентларининг XII Жаҳон фестивалига тайёргарлик шаҳар комсомолининг жиддий куч-ғайратини янада жўштириб юборди. Комсомоллар ва ёшлар Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган вахталарда зарбдор меҳнат қилиб, ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивалида совет ёшларининг вакиллари бўлиш ҳуқуқи учун мусобақалашишяпти.

Партия ва комсомол ветеранлари ёшларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасида кўп иш қилишяпти. Айниқса партия ва комсомол ветеранлари шаҳар Советининг аъзолари самарали ишлашяпти.

Комсомол учун ёшларни марксизм-ленинизм руҳида тарбиялашдан фахрлироқ ва масъулятлироқ вазифа йўқ. Комсомол сиёсий ўқуви ва иқтисодий таълимининг 2000 та мактабида 50 мингдан зиёд йигит ва қиз шуғулланяпти. Тошкент комсомол ташкилоти катта — 370 минг комсомол аъзоси бўлиб, уларнинг ярмидан кўпроғи мактаб ўқувчиларини ва студентлар, ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларидир. Ўқувчи ёшлар ёзги меҳнат семестрини зарбдор қурилишлар ва қишлоқ хўжалик ишларида ўтказишади. Шаҳар студент-қурилиш отряди ҳисобида 1984 йилда ўзлаштирилган 3,8 миллион сўмлик капитал маблағ бор. Шаҳар ёшлари ўз байрамларини пахта далаларида кутиб олишяпти. 150 минг тошкентлик йигит ва қиз ўзининг гражданлик бурчини Тошкент, Сирдарё ва Жиззах области далаларида шараф билан ўтяпти.

Яқинда бошланғич комсомол ташкилотларида ҳисобот ва сайловлар якунланди. Йиллик иш якунлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумларининг талабларидан келиб чиқиб, пухта ва принципиал анализ қилинди, билдирилган танқидий фикрларни бартараф этишга қаратилган конкрет тадбирлар белгилаб олинди.

Ҳисобот ва сайловлар шуни кўрсатдики, бундан кейин ҳам йигит ва қизлар партиянинг ишончли ёрдамчилари бўлиш, севимли Ватанимизнинг қудратини мустаҳкамлаш учун бор куч ва ғайратларни, шижоаткорликларини сафарбар этадилар.

В. МИШИН,
Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари.

БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТАЙЁР

«Беш йиллик план тайёр»! — В. И. Ленин номли электротехника заводи пешқадам ишчилари, комсомол аъзоларидан И. Глаголева, Ю. Тюрин, И. Георговлар сентябрь ойидаёқ шундай рапорт берган эдилар.

Комсомол аъзолари ўн иккинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқдалар. Улар ўз муваффақиятларини Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишламоқдалар.

МАРОҚЛИ УЧРАШУВ

Чилонзор районидаги 183-ўрта мактаб шунингдек, 184, 188, 200-мактабларнинг жанговар шон-шуҳрат музейида Улуғ Ватан уруши ветеранлари, Калининн областининг подпольечи-партизанлари билан ўқувчиларнинг учрашуви қизиқарли ўтди.

• ЎША ЙИГИТ УЧУН

Хотира вахтасида

Анатолий Пулявин бригадаси заводимизда биринчилар қаторида Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган мусобақага қўшилди. Умумий йиғилишда бригада составига Совет Иттифоқи Қаҳрамони, урушгача шу заводда ишлаган Виктор Малясовни бригада составига киритишга аҳд қилишди. 1 сентябрдан бошлаб Виктор бригаданинг фахрий аъзосидир. Иш ҳақи эса Ғалаба ёдгорлиги қурилиши фондига ўтказилади.

Тепловоз-ремонт агрегатлари участкасидаги бригада бундан уч йил муқаддам ташкил этилган эди. Унга ёшлар мураббийси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Анатолий Пулявин бошчилик қилмоқда. Бригада доимо илғорлар сафидадир. Октябрь ойида ҳам двигателлар ремонти плани муддатидан илгари бажарилди. Бригадада 32 киши меҳнат қилади. Улар фақат унумли меҳнат қилибгина қолмай, дам олишни ҳам ўрнига қўядилар. Завод спартакиадаларида актив қатнашадилар. Шанбаликларда намуна бўлмоқдалар. Бригада аъзоларининг бундай аҳил ва иноқ бўлиб ишлашларида группа комсорги Александр Комлевнинг муносиб ҳиссаси бор.

И. ИГНАТЕНКО,
243-авиаремонт заводи комсомол комитетининг секретари.

ҲАЛОК БЎЛГАНЛАР ХОТИРАСИ УЧУН

«Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ф. Хўжаев бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси «Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига — 40 зарбдор ҳафта» шиори остида барча комсомол-ёшлар коллективларини мусобақага чақирди.

Бригада 9 майгача тўрт ярим йиллик планни бажаришга ва планга қўшимча 23 тонна маҳсулот тайёрлашга аҳд қилди. Комсомоллар аҳдларига вафо қилмоқдалар. Ой сайин тобора яхши натижаларни қўлга киритмоқдалар.

Ф. Хўжаев бригадаси урушда ҳалок бўлган А. Марченко номи билан аталади. Бригада ташаббусига қўшилган бирлашма комсомоллари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига «Ҳалок бўлганлар хотираси учун зарбдор меҳнат қиламиз!» — демоқдалар.

•

Янги коллективга келишинг билан дарҳол самимий, меҳрибон, касб маҳорати сирларини ўзлаштиришда, меҳнат коллективига кўникиб кетишда ёрдамга тайёр одамни учратиш қандай яхши. Тошкент трактор заводига ишга келган Роза Ултоеванинг ана шундай омади келди — унинг устози слесарь-йиғувчи У. Ҳужумқулова айнан шундай инсон экан.

Т. Каримов фотолари.



•

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Польшада совет медицинаси кунлари

ВАРШАВА. Польша Халқ Республикасида совет медицинаси анъанавий кунлари бошланди. Ҳар гал бу кунлар икки қардош мамлакат мутахассисларига тажриба бахам кўриш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорликнинг бундан буёнги йўналишларини муҳокама қилиш имконини беради. СССР Соғлиқни сақлаш министрининг биринчи ўринбосари О. Шчепин бошчилигидаги совет делегацияси Польша пойтахтидаги, шунингдек Краков, Лодзь, Гданьск, Познандаги илмий-тадқиқот ва даволаш марказлари билан танишади. Советлар мамлакатидан келган меҳмонлар мунозараларда иштирок этадилар, лекциялар ўқийдилар, ўз тажрибаси ва билимларини амалда намойиш этадилар.

Учрашувларнинг қатнашчилари СССР ва ПХР медиклари, аввало кардиология, онкология, шунингдек кадрлар тайёрлаш ва илмий ахборотларни айирбошлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилаётганликларини қайд этмоқдалар.



ЧССР. Прагада астрономлар Тихо Браге ва Иоганн Кеплерга ҳайкал ўрнатишди. Данияликлар тронном Тихо Браге Ой ҳаракатидаги баъзи бир ўзгаришларни аниқлаган. Немис олимлар Иоганн Кеплер Марсни ўрганиб, унинг ҳаракати бўйича қонунни кашф қилган.

СУРАТДА: икки олим ҳамкорлиги ҳайкал.

«АФҒОНИСТОН: ФОЖИАДАН ЗАФ

ДЕҲЛИ. «Стерлинг Паблишерз, Лимитед» нашриёти бу ерда «Афғонистон: фожиадан зафарга» деган китобни чиқарди. Китоб автори — таниқли ҳинд журналисти Садхан Мукержи Апрель инқилобигача ва ундан кейинги Афғонистон ҳаётининг турли жиҳатларини батафсил тасвирлаб таҳлил этган.

Китобда 1979 йил 27 декабрда Апрель революциясининг иккинчи босқичи бошланиши натижасида революцион жараённи тўхтатишга, шу мамлакат тарихи ғилдирагини буришга уринган Афғонистон душманларининг фитнаси барбод бўлганлиги уқтириб ўтилади. АДР ҳукумати амалга оширган ер ислоҳоти феодал эксплуатацияга барҳам берди, дейилади китобда.

Китобда АДРга қарши қўпорувчилик ишларини олиб бораётган аксилинқилобчиларни қўллаб-қувватлаш ва гуманиталарнинг Афғонистон ички ишларига аралашишига қаратилган жаҳон жамоатчилигини ёритишга хабарлар тарқатиш каби ғарбда авж олдирилаётган ғалвалар этилади.

Автор Совет Иттифоқи ва социалистик мамлакатларнинг Ҳиндистон билан дўстлигига қўшилмаган давлат Афғонистонга берайтган ёрдамига юксак баҳо беради. мамлакатлар Афғонистон халқининг ўз турган вазифаларини ҳал афғон халқи ўзи танлаган йўлдан олға томон қатъий маклашмоқдалар.

КРАЙСКИЙНИНГ АЙТГАНЛА

ВЕНА. Австриянинг собиқ федерал канцлери Б. Крайский социалистик мамлакатлар билан савдо-сотиқ ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорлик муҳимлигини таъкидлади. «Арбайтер-Цайтунг» газетасида босилган баёнотида у Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга нисбатан халқаро савдо соҳасида бойкот қилиш ва камситиш сиёсатини Ғарбий Европага тиқиштириш соҳасидаги ҳар қандай уринишларни кескин рад қилди. «Бу давлатларга қарши бирор-бир уруш бошлаш ҳаққа эга лиши мумкин эмас», — лади Б. Крайский.

Йирик концерилар ва давлатлари саноатининг тун тармоқлари учун Иттифоқи «савдо-сотиг жуда муҳим шарт уқтирилади баёнотда. капиталистик ва социалистик лакатлар ўртасида ҳамкорлик ҳасидаги ҳамкорликни тириш айниқса муҳим

ВАШИНГТОН СИЁС ТАНҚИД ҚИЛИНА

БЕРЛИН. Сурия Халқ Кенгаши (парламенти) раиси Маҳсуд Аз-Зуаби АҚШ маъмуриятининг Яқин Шарққа оид сиёсатини кескин танқид қилди. У «Нойес Дойчланд» газетаси мухбири билан суҳбатда Исроил Вашингтон томонидан чекланмаган миқдорда сиёсий-ҳарбий, молиявий ва иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётганлиги ер куррасининг мазкур районида ғоят хатарли вазият вужудга келганлигининг асосий сабабидир, деди. Шу тариқа, деб уқтирди М. Аз-Зуаби, АҚШ Тель-Авив ҳукмронларини араб халқларига нисбатан ўз босқинчилик режаларини рўёбга чиқаришга ундамоқда. Шу билан бирга АҚШ Яқин Шарқда ўзининг таянч ҳукмронлигини ўрнатишга, араб мамлакатларининг табиий бойликларига эга бўлишга, минтақа территориясини латларга қарши, шу лий озодлик кучларига қарши агрессия айлантиришга интил Авив, деб давом эт тоннинг изидан бор босқинчилик йўлини БМТ Бош ассамблеяси сизлик кенгаши резо назар-писанд қилмас тинлик араб халқ миллий ҳуқуқларини унинг ўз тақдирини ва ўз мустақил давл этишдан иборат ҳуқ этмоқда.

М. Аз-Зуаби Яқин лемасини бартараф ларига оид совет юксак баҳо берди.

• СЎЗ — КОМСОМОЛ ВЕТЕРАНЛАРИГА

ИЛЬИЧ УМРИГА ҚИЁСЛАБ

1924 йил комсомол ветерани А. Комиссаровнинг қаётида унутилмас из қолдирган. У бундан роппароса 60 йил муқаддам Туркистон комсомолларининг VI съезди делегати бўлган, республиканн ташкил этиш тантаналарида бевосита иштирок этган.

Ҳозирги кунда А. Комиссаров 80 ёшга кирган бўлса-да, комсомоллар билан ҳамнафас бўлиб яшамоқда. Коммунистик шанбалик кунларида у ўзи учун қадрдон бўлиб қолган тепловоз-ремонт заводига келади. Қуйида комсомол-ветераннинг жанговар йиллар ҳақидаги хотираси билан таништирамиз.

Айни кунларда бутун республика ўзининг шонли юбилейини нишонламоқда. Бундан роппа-роса 60 йил муқаддам мен Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил этилганлигининг гувоҳи бўлган эдим. Ўша дамларда биз комсомоллар шаҳар бўйлаб кезган ҳолда тантаналарни кенг нишонлар эдик. Машиналарда юриб, қўшиқлар куйлардик. Ўша дамларда бутун халқ кўчаларга чиқиб, янги ҳаётни тантана қилишар эди.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги нишонланаётган айни кунларда мен ёшларга Туркистоннинг биринчи комсомоллари ҳақида ҳикоя қилиб бераман, деб ҳеч бир ўйламаган эдим.

Туркистонга революция етиб келган кезларда Новострувская (ҳозирги Будённий) кўчасида истиқомат қилаётган биз ёш болакайлар большевикларга ёрдам беришга ҳаракат қилардик. Шу даврда биз кўчаларга истеҳкомлар қуриб, броневик машиналарининг ўтишига тўсқинлик қилардик. Милтиқларни ўқлашда ёрдам бериб, чор армияси офицерларини тутишда кўмаклашардик.

Мен 1920 йилда Лермонтов номли мактабни тугатиб, ихтиёрий равишда Қизил Армия сафига қўшилдим. Бир йил хизмат қилгач, революцион ҳарбий совет буйруғига биноан 18 ёшга тўлмаган йигитлар қаторида ўқишга жалб этилдим.

Шу даврда бош темир йўл устахоналари қошида ФЗУлар ташкил этилиб, темир йўл транспорти учун мутахассислар тайёрлаб берарди. Ўқишга киргач, биз комсомол ячейкаси ташкил этдик. Унда дастлабки кунларда 15 аъзо бўлиб, уларнинг сони кейинчалик юз кишига етди. Бир йил ўтгач Туркистон комсомоли Марказий Комитетининг қарори билан бизнинг ячейкага Коммунистик ёшлар интернационали фахрий номи берилди. Бу номга комсомоллар билим юрти устахоналарида турли хил маҳсулотларнинг пухта тайёрланганлиги ҳамда ижодий техника кўргазмасида актив қатнашганлиги туфайли эришилдилар. Биз икки сменада ўқирдик. Кундуз кунлари Қизил шарқ устахоналарида ҳунар ўргансак, кечқурунлари эса билим сирларини эгаллардик. Ўша пайтда ўқув китоблари, бўёқ етишмасди. Сариқ қоғозларга қўлда тайёрланган қаламда ёзардик. Ўқиш хоналари совуқ бўлиб, кийимларни ечмай ўтирардик. Ҳар қанчалик оғир бўлишига қарамай, билимга ташна ёшлар ўқишга мунтазам қатнашишарди. Тунлари эса босмачиларга ва янги ҳаёт душманларига зарба беришда фаол иштирок этардик.

Бизнинг комсомолларимиз махсус қисм штаби топшириғига биноан ҳарбий таълимни пухта эгаллаб, шаҳар объектларини қўриқлашиб, тунги жангларда иштирок этишарди. Ҳар дам олиш кунларида биз тепловозларни ремонт қилишда якшанбаликлар уюштирардик.

Шанба кунларининг бирида биз комсомолар йўловчи поездларда Чиноз станциясига бориб, ундан сўнг уч километрча ифлос йўлда пиёда юргач, бизнинг оталиғимизда бўлган «Эски Чиноз» қишлоғида агитация-пропаганда ишларини олиб борганимиз ҳамон ёдимда.

Айниқса, 1924 йил менинг хотирамда ўчмас из қолдирган. Мени Темир йўл (ҳозирги Ленин) район комсомол комитетининг аъзоси бўлганлигим учун Туркистон комсомолларининг VI съездига делегат қилиб сайлашди.

В. И. Ленининг вафоти ҳақидаги хабар келгач, Ўрта Осиё темир йўли бош устахонасининг партия комитетига революция доҳийсининг номини абадийлаштириш ҳақида таклифлар тушди. Доҳийга ҳайкал ясаш учун устахона цехларининг бирида бошлиқ бўлиб ишлаётган А. Резуменко лойиҳаси танланди. Ҳайкалнинг шоҳсупасига эса паровоз деталлари қўйилиб, рамзий маъно акс эттирилди.

Олти йил ўтгач, Ильичнинг ҳайкали ганчдан қайта қуйилди. 1966 йилда эса ленинградликлар ҳозирги В. И. Ленин майдонида турган доҳийнинг буюк ҳайкалини бронзадан ясашди. Шундай бўлиб чиқдики, мен 40 йил давомида ана шу ҳайкалларнинг янги умрини ўз кўзим билан кўрдим.

Худди узоқ 1924 йилги тантаналарга ўхшаш ҳайкални тантанали очилишига кўп одам йиғилди. Ҳайкал устига қўйилган дарпардани очиш шарафи менга ва Туркистондаги жанговар кураш йилларининг иштирокчиси Тимофей Паршинга ишониб топширилди.

Йиллар ўтган сари Ильичга ҳурмат-эҳтиром билдираётганларнинг кети узилмайди. Шу ерда темирйўлчилар жанговар меҳнат шуҳратини янада бойитиш учун қасамёд қилишади. Бу ерда ёшлар пионерга тантанали қабул қилиниб, комсомол билетлари топширилади.

Адабиёт ва санъат

• Маданият хабари

ЮБИЛЕЙНИ ШАРАФЛАБ

Республика Композиторлар союзи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишлаб шаҳримиздаги саноат корхоналари, ўқув юртлари ва маданият муассасаларида республика композиторларининг ижодий учрашувларини ўтказмоқда.

Яқинда ана шундай ижодий учрашувлардан бири маданият ходимларининг республика малака ошириш институтида бўлиб ўтди. Учрашувга истеъдодли композитор Қаҳрамон Комилов, республикада хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин Тўхтасинов раҳбарлигидаги ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли, республикада хизмат кўрсатган артистлар Малоҳат Дадабоева ва Ҳадя Юсуповалар меҳмон бўлиб келишди.


Учрашувда республика юбилейига бағишлаб яратилган янги музика асарлари, миллий музика меросимиз хазинасидан муносиб ўрин олган классик куй-қўшиқлар ижро этилди. Композитор Қаҳрамон Комиловнинг замонавий мавзудаги ранг-баранг қўшиқлари учрашув қатнашчиларида катта таассурот қолдирди. Композитор ўзбек совет музика маданиятининг бугунги кундаги ютуқлари, унинг асосий тенденциялари ҳақида ҳикоя қилиб берди.

Р. НЕЪМАТОВ.



• СССР ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

НАВҚИРОН ИЖОД ЖИЛОЛАРИ



Мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳодир Жалоловнинг монументаль рассомлик санъатидаги ижодий ютуқлари томошабинлар, санъат аҳллари томонидан қайта-қайта эътироф этилмоқда. Айниқса, унинг «Рақснинг туғилиши», «Абадият элчилари» каби монументаль композициялари катта шуҳрат қозонди. Томошабинни ўйлантирувчи, ҳайрат ва ҳаяжон уйғотувчи бу асарларнинг жозиба кучи, сеҳр қудрати нимада? Энг аввало, бу асарларда кўзга ташланувчи рассом руҳий оламининг теранлиги, ижодий фантазиясининг бойлиги, тасвирий ифоданинг оригиналлиги томошабинни ўзига ром этади. «Баҳор» концерт зали интерьерига ишланган деворий композицияни эсланг. Унда ижодкорнинг ғоявий муддаоси ажиб бир тарзда намоён бўлади. Асарни кўздан кечирар экансиз, санъатнинг мафтункор сеҳри, унга ошуфталик, камолотга интилиш, гўзал малакларнинг фазода оҳиста сузиб юргандек нафис ҳаракатларида тажассум топганлиги, фикрий яхлитлик сизни сеҳрлаб олади. Уни ҳеч сўзсиз гўзал қўшиққа менгзайсиз. Композицияда ўзбек рақс санъатининг нафосатга тўлиқ, ранг-баранг товланишлари машҳур санъаткор Мукаррама Турғунбоева ва «Баҳор» ансамбли раққосаларининг рамзий ҳаракатларида ифода этилган.

Рассомнинг чуқур психологизмга бой картиналари, теран рамзий монументаль композициялари томошабинга катта завқ-шавқ бағишлайди, унинг дилини гўзаллик сеҳри билан мунаввар этади. Ижодий режа хомаки эскизларда сайқал топгунича, деворий нақшларда рўёбга чиққунича рассом ижодий бедорлик билан, яратиш завқи билан жуда катта меҳнат қилди. У Ленинграддаги Репин номли тасвирий санъат, архитектура ва ҳайкалтарошлик институтида ўқиб юрганида, Эрмитаждаги жаҳон санъати дурдоналаридан ҳайратланганида юртимизнинг бетакрор гўзалликларини, бой тарихи ва барҳаёт анъаналарини ифодаловчи ёркин асарлар яратиш устида изланарди. Бу эса уни халқимиз санъатининг нодир намуналарини XX асрнинг модерн санъати анъаналари билан уйғунлаштириш, шу орқали ўзининг дадил ижодий фикрини рўёбга чиқаришга даъват этди. Монументаль рассомлик санъатига қизиқиш сабабини сўраганимизда рассом шундай жавоб берди:

— Рассомлик санъатининг кўпгина жанрларида ижод қилиб кўрдим. Лекин ижодий фикрларимни, кўзлаган мақсадимни рўёбга чиқаришда монументаль рассомлик санъатининг имкониятлари мени ўзига ром этди. Мен ана шу ижод турида ўзимни топгандай, ижодий фикрларимни мукаммал намоён эта оладигандай бўлдим.

Рассомнинг яна бир ажойиб композицияси катта шуҳрат қозонди. Агар «Рақснинг туғилиши» деб номланган деворий сурат Ўзбекистон пойтахтининг муҳташам концерт залларидан бирини безаган бўлса, «Ҳосил байрами» деб номланган бу асар республиканинг пахта хазинасига айланаётган Қарши чўлида — Толимаржон сув омборига Амударё сувини кўтариб берувчи қудратли насос станциясининг бош иншооти деворида намоён бўлди. «Рақснинг туғилиши» композицияси билан биргаликда икки қисмдан иборат бу асар СССР Давлат мукофотига тавсия этилди. Муҳими шундаки, бу асар қақроқ чўл бағридаги улкан сунъий денгиз бўйларида, табиатнинг бир-бирини инкор этувчи икки буюк мўъжизаси инсон қудрати туфайли бир-бирига бўй берган заминни безаб турибди. Бир пайтлар Ҳирот ва Самарқандни бир-бири билан боғлаган, улуғ бобомиз Алишер Навоий неча бор ўтган қадимий карвон йўлларидаги бу улкан сув иншоотида тажассум топган асарда ота-боболаримизнинг асрий армонлари, замонамиз Фарҳодларининг шижоати, фидойи деҳқонларимизнинг, чўлқуварларнинг ҳосил байрамидаги шодиёна қиёфалари ёркин акс этган. Композицияни кўздан кечирганда рассом бу туйғуларни ўз фантазиясида ажиб бир тарзда жонлантирганлиги ва уни тимсоллар орқали ифода этганлигининг гувоҳи бўласиз.

Баҳодир Жалоловнинг изланишлари янги ижодий режаларида ҳам намоён бўлмоқда.

— Ҳозир Самарқанддаги тарих, маданият ва санъат музей-заповедниги интерьерларида монументаль композиция яратиш устида иш олиб боряпман,— дейди рассом. — Янги асаримда бугунги кунда беқиёс даражада гуллаб-яшнаган юртимиз ҳаётининг ўтмишда туғилган барҳаёт анъаналар билан узвий боғлиқлигини, уйғунлигини рамзий воситалар орқали тасвирлашни кўзда тутяпман. Бу режани амалга ошириш учун албатта тарихнинг қора кунларини ақл чироғи билан ёритган буюк сиймоларнинг барҳаёт кашфиётларига таянишни, уларни символик-мажозий планда акс эттиришни орзу қиламан.


Баҳодир Жалоловнинг СССР Давлат мукофотига тавсия этилган асарлари ўзбек монументаль санъатининг бугунги равнақини, унинг асосий тенденцияларини ўзида мужассамлантириши билан бирга, кўп миллатли совет монументаль рассомлик санъати хазинасига қўшилган бебаҳо ҳисса ҳамдир.

М. АБДУЛЛАЕВ.

* * *

СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати Баҳодир Жалолов; рассомнинг СССР Давлат мукофотига тавсия этилган «Рақснинг туғилиши» ва «Ҳосил байрами» композициялари.

А. Герасимов фотолари.



• *Китоб жавонингизга*

САРЧАШМАГА БАҒИШЛАНГАН РИСОЛА

Яқинда филология фанлари доктори, фольклоршунос олим Малик Муродовнинг халқ оғзаки ижоди соҳасидаги узоқ йиллик кузатишлари, олиб борган тажрибалари ва экспедиция жараёнидаги таассуротлари ифода этилган «Сарчашмадан томчилар» номли рисоласи китобхонлар ҳукмига ҳавола қилинди.

«Сарчашмадан томчилар» рисоласини ҳам илмий-бадиий очерк, ҳам илмий тадқиқот, ҳам муайян бир фольклоршуноснинг таассуротлари, тажрибалари ва хотиралари асосида юзага келган китоб дейиш мумкин. Чунки унда барча фольклоршунослар учун ибрат бўла оладиган энг характерли фазилатлар ўз аксини топган.

Кўп сонли китобхонлар ҳозирга қадар заҳматкаш ўзбек фольклоршуносларининг ғайрат-шижоати билан жамланган достонлар, эртаклар, қўшиқлар, мақоллар, топишмоқлар тўпламларини катта қизиқиш билан ўқиб келадилар. Бироқ улар ўзларига тақдим этилаётган оғзаки ижод дурдоналари қандай қилиб тўпланиши, нашр қилиниши ва илмий тадқиқ этилиши каби энг масъулиятли жараёнлар ҳақида тасаввурга эга эмас эдилар. Ҳолбуки, халқ оғзаки ижодига нисбатан талаб ва қизиқиш янада кучайган бир даврда кенг ўқувчилар оммасининг фольклор дурдоналарини авайлаб асраб ва бойитиб келаётган бахшилар, эртакчилар ва сўзга чечан аскиячилар, лофчилар фаолияти билан яқиндан танишишлари катта аҳамиятга эга.

Кейинги йилларда ёзма адабиёт вакиллари тез-тез халқ оғзаки ижодига мурожаат этмоқдалар. Масалан, Иттифоқимиз китобхонлари муҳаббатига сазовор бўлган «Асрга татигулик кун» (Ч. Айтматов), «Наҳанглар кетган кун» (Ю. Ритхэу), «Дато Туташхиа» (Ч. Амирэджиби), «Жавоҳирлар сандиғи» (Шукрулло), «Ҳаққуш қичқириғи» (О. Матжон) ва бошқа кўплаб асарлар муваффақиятида фольклор катта роль ўйнаганлигини сезамиз. «Сарчашмадан томчилар» рисоласи ҳам халқ оғзаки ижоди дурдоналари қанчалик қадимий бўлмасин, унинг рангин жилолари замонасига яраша ўз нурларини соча беради, деган мазмунни яна бир бор тасдиқлашга ёрдам беради.

С. АЛИМОВ,
Тошкент давлат Маданият институти ўқитувчиси.

Қўшиқ меҳнатни улуғлайди

Тошкент агрегат заводи маданият саройининг ҳаваскор артистлари Тошкент область Коммунистик районига энг яхши қўшиқ ва куйлардан тузилган концерт программаси билан жўнаб кетишди.

Деҳқонлар, ҳосилни териб олишда ёрдам бераётган шаҳарликлар маданият саройи ўзбек рақс ва вокал чолғу ансамбллари, драма коллективининг томошабинларини биринчи бўлиб кўришди. Инженерлардан Г. Назруллаева, Н. Федорова, М. Зобиров, токарь В. Емишев пахтакорларга ўз қўшиқ ва рақсларини туҳфа қилдилар. Драма коллективи пахта теримчилари тўғрисида шу ернинг ўзида хўжаликда ятатаётган миниатюраларни кўрсатадилар.

Тошкент агрегат заводи маданият саройининг ҳаваскор артистлари Сирдарё областининг колхоз ва совхозларида ҳам бўладилар.

Чингиз **АЙТМАТОВ:**



(АСРГА ТАТИГУЛИК КУН)



Ленин ва СССР Давлат мукофотлари лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Чингиз Айтматов ўзбек халқининг ҳам севимли адибидир. Унинг мўъжизакор санъати, ҳаётбахш қаҳрамонлари миллион-миллион китобхонлар муҳаббатини қозониб, уларнинг қалб мулкига айланиб қолган. Эндиликда унинг асарлари жаҳондаги 80 дан ортиқ миллат ва элатлар томонидан севиб мутолаа қилинмоқда.

Ёзувчининг ҳар бир асари кенг китобхонлар оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинади. Жумладан, унинг кейинги «Бўронли бекат» («Асрга татигулик кун») романи санъаткор ижодининг камол топиб бораётганлигини намойиш этибгина қолмай, айни вақтда кўп миллатли совет адабиётининг ҳам катта ютуғи бўлди. Бу асарда космик кашфиётлар даврида кўндаланг бўлиб турган долзарб масалалар, инсониятни ҳаяжонлантираётган, ташвишга солаётган муаммолар ўзининг юксак реалистик тасвири билан китобхонни ғоятда ҳаяжонлантиради.

Ҳамза мукофоти лауреати А. Рашидов яқинда «Бўронли бекат» («Асрга татигулик кун») романини ўзбек тилига таржима қилди. Қуйида ана шу асардан бир бобни эътиборингизга ҳавола қиламиз. Асар тўла ҳолда «Ёшлик» журналида чоп этилмоқда.

Куннинг иккинчи ярмига бориб Тинч океанидаги Алеут оролларининг жанубий қисмида тўлқинлар қўзғала бошлади. Америка қитъаси этагидан бошланган Жануби-Шарқий шамол аста-секин кучга кириб, бора-бора ўз йўналишини топиб олган ҳолда авжга чиқа бошлади. Чексиз кенгликлардаги маҳобатли сув ҳам ҳаракатга келиб чайқалиб, шовуллаганча тўлқинларни тобора турна қатор ўркачлантира бошлади. Бунисн пўртана бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда сувнинг узоқ муддатга тўлқинланиб туришидан дарак берарди.

Очиқ океандаги бундай тўлқинлар «Конвенция» авиабардор кемаси учун хавф туғдира олмасди. Бошқа вақтда-ку кема ўз ҳолатини ўзгартирмаган ҳам бўларди. Бироқ махсус ваколатли комиссиялар юқори инстанциялар билан бўлган кенгашлардан сўнг шошилинч суръатда яна қайтиб келаётганликлари ва ҳадемай палубага келиб қўнишлари кутилаётганлиги сабабли авиабардор-кема ёнбошдан келиб урилаётган тўлқинларга чап бериб тумшуғини шамолнинг йўналишига қарши тўғрилаганча туриб олди. Ҳамма иш кўнгилдагидай бўлди. Аввал Сан-Франциско, сўнг Владивосток ҳаво лайнерлари палубага келиб қўшилди.

Комиссиялар тўла состави билан қайтиб келишди, ҳаммалари ташвишли қиёфада сукут сақлашарди. Ўн беш минутдан сўнг улар ёпиқ кенгаш олиб бориш учун стол атрофига ўтиришди. Фазовий комиссия иш бошлагандан сўнг орадан беш минут ўтгач Эга Галактикасидаги 1— 2 ва 2— 1 паритет-фазогирларга «Паритет» орбитал станциясининг бортига шошилинч суратда жўнатиш учун қуйидаги мазмунда шифрланган радиограмма юборилди: «Паритет» орбитал станциясидаги 1— 2 ва 2—1 назоратчи фазогирларга. Қуёш системасидан ташқаридаги 1— 2 ва 2—1 паритет-фазогирларни ҳеч қандай фаолият кўрсатилмасин деб огоҳлантирилсин. Бирлашган Марказий Бошқарма (Бирмарбош) махсус кўрсатма бермагунича ўринларидан жилишмасин».

Шундан сўнг махсус ваколатли комиссиялар фазовий тангликни бартараф этиш юзасидан ўзларининг нуқтаи назарларини ва таклифларини баён этишга киришдилар...

«Конвенция» авиабардори Тинч океанининг тинимсиз тобора авжга минаётган тўлқинлари аро тўшини шамолга қарши тўғрилаб турар эди. Шу лаҳзада унинг бортида бутун планетанинг тақдир-қисмати ҳал этилаётганини ҳеч ким билмасди...

Бу ерларда поездлар машриқдан мағрибга ва мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради....

Темир йўлнинг иккала томонида ҳайҳотдай даштлик — Сари-ўзак, Ўртачўл ястаниб ётади.

Европада ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар машриқдан мағрибга ва мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Она-Байит[1] қабристонига етгунча яна икки соатларча вақт бор эди. Сариўзак сари йўл олган дафн маросими ҳамон бир маромда борар, туясига миниб олган Бўронли Эдигей олдинда, унинг Қоранори ҳам аввалгидай катта-катта қадам ташлаб ҳормай-толмай илдам юриб борарди. Ортда прицепли трактор. Прицепда марҳум Қазангапнинг ёнида куёви, қизи Ойзоданинг эри ёлғиз ўзи ғиқ этмай сабр-тоқат сақлаб ўтирар, уларнинг ортидан эса «Беларусь» экскаватори борар эди. Ёнда эса тўшдор малла ит Йўлбарс гоҳ олдга йўртиб ўтар, гоҳ орқада қолар, гоҳида аллақандай муҳим нарсани кўргандай бир зум тўхтаб қолиб, ўз ишининг кўзини билгандай ҳамон аввалгидай бамайлихотир эргашиб борарди.

Қуёш найзага келиб, борлиқни қиздира бошлади, буюк Сариўзак даштининг бепоён қир-адирларидан ўтиб борганингиз сари яна уфққача туташиб кетган янгидан-янги кимсасиз, чексиз кенгликлари кўз ўнгингизда гавдаланарди. Сариўзак даштининг боши-кети кўринмасди. Бир замонлар бу ерларда Жунгжанг деган бадкирдор келгиндилар яшаганлар. Улар Сариўзак ерларининг қарийб ҳаммасини босиб олиб, узоқ йиллар мобайнида ўз қўлларида сақлаб турганлар. Бу ерларда бошқа кўчманчи халқлар ҳам яшаган бўлиб, улар яйловлар ва қудуқлар учун ўзаро талашиб, икки ўртада мунтазам равишда уруш давом этиб келган. Гоҳ унисининг, гоҳ бунисининг қўли баланд келиб, енгганлар ҳам, енгилганлар ҳам шу атрофда яшаб қолишаверган, бироқ ғолиб келганларининг ерлари ортиб, мағлубиятга учраганларининг ерлари эса камайиб бораверган. Елезаровнинг айтишича, Сариўзак манзилгоҳ қуриб тирикчилик қилиш учун ҳар қанча жангу жадалга арзигулик жой эди. Негаки, ўша замонларда бу ерларда баҳорда ҳам, кузда ҳам ёғин-сочин мўл-кўл бўларди. Ўт-ўланлар ҳар қанча мол ҳолу, қўй-қўзиларга етиб ортарди. Ўша кезлари бу ерларга турли томонлардан савдогарлар қатнаб, савдо-сотиқ ишларининг авжи баланд эди. Бироқ кейинчалик бу ерларнинг иқлими кескин ўзгариб кетади. Деярли ёғин-сочин бўлмай, қудуқларнинг суви қуриб, яйловлардаги ўт-ўланлар қувраб қайта чиқмай қўяди. Ана шунда Сариўзакка келган халқлар ва қабилалар ҳар томонга булутдай тарқаб кетишди, ҳайдар кокилли жунг-жанглар ҳам ўз-ўзидан бутунлай ғойиб бўлишади. Улар Эдил дарёси — у вақтларда Волга дарёси шундай аталарди — бўйларига бориб, ўша томонларда номнишонсиз ғойиб бўлишди. Уларнинг қаёқдан келиб, қаёққа кетганлигини ҳам ҳеч ким билолмаган. Мишмишларга қараганда жунгжанглар қарғишга учрабди — қишда музлаб қолган Эдил дарёсидан тўп-тўп бўлиб ўтаётганларида бирдан муз ёрилиб уларнинг ҳаммаси мол-ҳоллари билан биргаликда муз остига гумдон бўлишибди...

Сариўзакнинг ерли қозоқларигина ўша замонларда ҳам ўз ерларини ташлаб кетишмади, улар янгидан қудуқлар қазиб, сув чиқаришга муваффақ бўлдилар. Лекин Сариўзак даштининг энг гавжум даври урушдан кейинги йилларга тўғри келади. Сув ташувчи автомашиналар пайдо бўлди. Битта сув ташувчи машина, агар унинг ҳайдовчиси бу жойларни яхши билса, олис яйловлардаги уч-тўртта турар жойларни бир йўла сув билан таъминлай олади. Сариўзакдаги яйловларнинг ижарачилари— шу атрофдаги областларнинг колхоз ва совхозлари энди Сариўзак чўлида боқиладиган чорва молларининг доимий қишлови учун базалар ташкил этиш ҳақида ўйлаб қолишди ва бундай бинолар қуриш учун қанча маблағ сарфланишини хомчўт қилиб кўришди. Яхшиямки улар ошиқишмаган экан. Биров билиб, биров билмай, секин-аста Она-Байит мозори атрофида Почта қути деган номсиз шаҳар пайдо бўлди. Шунинг учун ҳам уни: Почта қутига кетибди, Почта қутида бўлибди, Почта қутидан сотиб олдим, Почта қутида кўриб қайтдим ва ҳоказо, деб айтишадиган бўлишди... Почта қути кундан-кунга ўсиб, кенгайиб, обод шаҳарга айланди, чет кишиларнинг кириши эса ман этиб қўйилди. Асфальтланган йўлнинг бир учи космодромга олиб боради, иккинчи учи темирйўл станцияси билан туташади. Сариўзакнинг янги, индустриал қурилиши мана шу кезлардан бошланди. Бу томонларда ўтмишдан фақат туянинг қўш ўркачини эслатувчи Эгизтепа дўнглигига жойлашган Она-Байит қабристонигина қолган эди, холос. Эгиз тепа Сариўзак туманидаги энг мўътабар қадамжо эди. Қадим замонларда марҳумни Она-Байит мозорига дафн этиш учун шундай узоқ жойлардан келишардики, баъзан одамлар қоқ чўлда тунаб қолишарди. Лекин шунча ташвиш тортиб келганларига қарамай, Она-Байитга кўмилган марҳумнинг авлодлари аждодларимизни эъзозлаб жуда азиз, муқаддас жойга қўйдик, деб фахрланиб юришарди. Бу ерга элда иззат-ҳурмат топган, узоқ умр кечириб, кўпни кўрган, сўз ва иши билан шуҳрат қозонган энг мўътабар одамларни қўйишарди. Елезаров буларнинг ҳаммасини биларди ва шунинг учун ҳам Она-Байитни Сариўзакнинг пантиони деб атарди. Мана бугун ўша жойга Бўронли разъездидан чиққан, туя-трактор аралаш, ит кузатиб бораётган ғаройиб дафн карвони яқинлашмоқда эди.

(Давоми бор).

[1] Она-Байит номидаги иккинчи сўз «байт» маъносини билдиради, яъни фарзанд доғида изтироб чекаётган онанинг аламли фарёди, мунажотини англатади. — Таржимон.

ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ФИКРУ ЎЙИМИЗДА ПАХТАМИЗ

Шу кунларда ўйимизда пахтамиз,
Гоҳ рақамга, гоҳ ҳавога қараймиз.
Қараб туриб четда, ҳижолатдамиз,
Ҳашарга биз кексалар ҳам ярашмиз.

Бу йилги мўл пахта ғолиблик рамзи,
Баҳорни биз бу йил зўрлаб келтирдик.
Гоҳида тинмасдан кеча-кундузи,
Нафас билан иссиқ ҳаво елдирдик.

Ташвишу-хавф доғи ювилиб бугун
Пахтазорлар оппоқ, ярқираб кетди.
Ғўзалар саф тортиб солдатдек дуркун
Еру кўк юлдуздек чарақлаб кетди.

Қизиб кетди терим авжи, улоғи,
Ҳар кун янги рақам, янги одамлар.
Қайнаб тошар далада нур булоғи,
Нур бағрига чорлар бизни бу дамлар.

Кўк денгизда «зангор кема» карвони,
Бағри тўла олтин, сузар у мағрур.
Бир томонда теримчилар хирмони,
Меҳнат завқи, меҳнат кўрки шул эрур.

Қани дўстлар, сизу биз ҳам ҳашарга
Ёруғ юзли куну фурсат ғанимат.
Насибамиз сочилгандир у ерга,
Шудир бизга бойлик ва нозу-неъмат.

Ҳа, ҳашарга, шаҳарликлар ҳашарга.
Деҳқон меҳри йўлимизга поёндоз.
Айланибди дала олтину зарга
Биз ҳам териб ҳисса қўшайлик бир оз.

Ўткир РАШИД.

Ёмғирлар фасли

Арз ила сўзлашмакда кўнглини ёриб само,
Икки орада ҳеч ким билмаган ғойиб сирлар.
Муждалар олиб чопган мушфиқ бир элчинамо
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Заминга кўнгунча то томчилар ўйнарлар шўх,
Сўнг жаннат ибтидоси—илдизга чирмашурлар.
Ҳилқатнинг рафторида ҳеч қандай мўъжиза
йўқ —
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Йиғлоқи қизлар букун кираркан чимилдиққа,
Заволдан нари бўлинг, пок-покиза умрлар.
Сенга шошдим, ёшлигим, оқ сочларим
ҳўл-жиққа, —
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Хаёл учади бехос мозийга — бурунгига,
Тулпорий туёқларни тиларкан қадим қирлар.
Бу бир ёруғ нишона наврўзлар пурунгига,
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Шунча буюкми ахир ташналиги инсоннинг,
Гоҳ эзгу сўз, гоҳида гулга интиқ бағирлар.
Порлоқ аъмоли бўлиб саҳий абри найсоннинг
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Биз дил берган ҳаётнинг муродлари кўп
содда:
Юлдуздан то жон қадар ошиён топсин нурлар.
Ҳеч гап йўқ ғайриоддий, ҳеч гап йўқ
фавқулодда —
Шунчаки... ёғмоқдалар кўкдан илиқ ёмғирлар.

Анвар ИСРОИЛОВ.

Дурдона диёр

(ҚЎШИҚ)

Ўзбекистон, олтмиш ёшингда сенинг,
Ой, қуёш парвона бошингда сенинг,
Зар унар тупроғу тошингда сенинг,
«Оқ олтин» маскани — дурдона диёр.

Элинг пахтапарвар, шимариғлик енг,
Пахтазоринг чексиз — бағринг каби кенг.
Дўстлар даврасида тенглар ичра тенг,
Инжу шодасида зар дона диёр.

«Оқ олтин»ни олтин қўллар яратар,
Тоғлар тўшин тилиб йўллар яратар,
Чўлни чаман қилиб гуллар яратар,
Ўғлонларинг ботир — мардона диёр.

Аму билан Сирдан сув ичдим тўйиб,
Бағрингда ўстирдинг эркалаб, суйиб.
Севдим кучоғингни бор меҳрим қўйиб,
Жоним фидо сенга эй, она диёр.

Булутга бош урган тоғларинг гўзал,
Илҳомим тоширган боғларинг гўзал.
Кузни ҳам шоширган чоғларинг гўзал,
Қалбимда ардоқли жонона диёр.

Таърифинг битишга қоғоз етишмас,
Мадҳингни чертишга минг соз етишмас,
Шоҳисмоил айтар: дил роз етишмас,
Сен менга оламда ягона диёр.

Файзи ШОҲИСМОИЛ.

Редактор **Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ**

М. Қориёқубов номидаги ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

30 ОКТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Бутуниттифоқ профессионал бадиий коллективлар кўрик-конкурси ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати

ЎЗБЕК АШУЛА ВА РАҚС «ШОДЛИК» АНСАМБЛИ

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Лирик хонанда ДАДАХОН ҲАСАНОВ.
VI Жаҳон фестивалининг лауреати АНВАР РУСТАМОВ
СОЛИСТЛАР: Дилором ҚАЮМОВА, Абдуқодир ЮСУПОВ, Салоҳиддин МУҲИДДИНОВ, Ҳотам ҲОЖИЕВ, Раҳимахон НОСИРОВА, Моҳичеҳра ИСЛОМОВА, Лола ОҚИЛОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

«ШОДЛИК» ансамблининг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати
ҚОДИР МЎМИНОВ

Музика раҳбари
ИСМАТУЛЛА РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Программани Ўткир СИДДИҚОВ олиб боради.

СПОРТ ВА ТУРИЗМ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

АГАРДА СИЗ СПОРТ ВА ТУРИЗМ БИЛАН МУНТАЗАМ ШУҒУЛЛАНИБ ТУРАДИГАН БЎЛСАНГИЗ,

**Усмон Юсупов кўчаси, 2-уйда жойлашган
1-«ДИНАМО» МАГАЗИНИДА
29—31 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИГАН
ТОШКЕНТ ЧАРМ-ГАЛАНТЕРЕЯ ФАБРИКАСИНИНГ**

СПОРТ-ТУРИСТИК МОЛЛАРИ

САВДО-КЎРГАЗМАСИГА ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ!

СОТУВГА ҚУЙИДАГИ МОЛЛАР ҚЎЙИЛГАН:

ҳозирги замон модасининг йўналишларига жавоб берадиган ва спорт мавзусида безакланган янги, рангли синтетик материаллардан тайёрланган спорт сумкалари;
синтетик ва табиий чармлардан ишланган футбол ва волейбол тўплари;
табиий чармдан тикилган машқлар учун мўлжалланган боксёрлик қўлқоплари;
спорт мавзусида безакланган теннис ракеткалари ғилофлари.

Магазин ҳар куни соат 10 дан 19.00 гача ишлайди, соат 14.00 дан 15.00 гача танаффус (7, 8, 11, 15, 16, 10, 23, 27-трамвайлар, 1, 4, 8, 10, 18-троллейбуслар; 28, 48, 64, 65, 91-автобусларнинг «Ўрда» бекати.



1-«ДИНАМО» ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ МАГАЗИН (телефон 41-06-20).

ЗИҒИР ТОЛАСИДАН ТЎҚИЛГАН ГАЗЛАМА

Русский лён



Бундай газлама — энг қадимий ва энг замонавий газламалардан биридир. Канопнинг ажойиб хусусиятини қадимий Русда яхши қадрлашган. Бугунги кунда ҳам каноп матоси ўзининг нуқрадек оқлиги, шойидек майинлиги, енгиллиги билан харидорни қувонтирмоқда.

Ҳозирги даврда канопнинг ана шу хусусиятини лавсан янада такомиллаштирди. Лавсан аралаштирилган каноп —янги газлама бўлиб, у ўзида икки толани мужассамлаштирган. Бундай газлама ғоятда чидамли бўлиб кам киришади, ғижимланмайди.

Бўялган канопдан тайёрланган кийимлар қуёш тиғида оқармайди ва қайнатиш чоғида бўёғи айнимайди. Бундай матодан тайёрланган чойшаблар, дастурхонлар, сочиқлар, ички кийимлар ювилган сари нуқрадек ялтираб боради.

«РУССКИЙ ЛЁН» МАГАЗИНИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Транспорт: 7, 11, 9, 4, 24-трамвайлар; 13, 16-троллейбусларнинг «Киров номли боғ» бекати.

Магазин соат 10 дан 19.00 гача ишлайди. Соат 14 дан 15.00 гача танаффус.

«ТАШТЕКСТИЛЬШВЕЙТОРГ» (телефон 78-72-42).

АВТОМОБИЛНИ АВАЙЛАНГ

АВТОМОБИЛЧИНИНГ БЕБАҲО ЁРДАМЧИЛАРИ ОРАСИДА

«ЗИМНИЙ» КУЗОВ ТОЗАЛАГИЧ,
БСК ТОРМОЗ МОЙИ,
РЕЗИНА ДЕТАЛЛАР УЧУН БЎЁҚ,
ЭСКИ БЎЁҚНИ ЮВИБ КЕТГАЗГИЧ,
САҚИЧ-МУМ ДОҒИНИ ТОЗАЛАГИЧ,
ШУНИНГДЕК АВТОЭМУЛЬСИЯ,
ПОЛИРОЛЬ,
ШАМПУНЬ,
КОНСЕРВАНТЛАР БОР.

АВТОКОСМЕТИК ВОСИТАЛАР ОДДИЙ (шиша, металли, полимерли идишларда) ВА АЭРОЗОЛЬ ИДИШИДА ТАЙЁРЛАБ ЧИҚАРИЛМОҚДА.

«УЗБИТПЛАСТИК»НИНГ 1-ФИРМА МАГАЗИНИ БУНДАЙ КОСМЕТИК ВОСИТАЛАРНИНГ РАНГ-БАРАНГ НАМУНАСИНИ АВТОМОБИЛЬ ЭГАЛАРИ ДИҚҚАТИГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ.

Магазин адреси: Тошкент шаҳри, «Марказ—14» квартали» Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспекти, 24-уй. (1, 2, 4, 7-троллейбуслар, 65-автобуснинг «Аптека» бекати).



«УЗБИТПЛАС ТИК»НИНГ 1-ФИРМА МАГАЗИНИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ

ВА
ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ

29 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОТЕАТРЛАРИ ВА МАДАНИЯТ САРОЙЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА

«ТУБСИЗЛИКДАН РЕПОРТАЖ»

ЯНГИ БАДИИЙ ФИЛЬМИНИ ЧИҚАРАДИ

Сценарий муаллифи — Д. ОРЛОВ.
Режиссёр —Г. БЗАРОВ.



РОЛЛАРДА: Г. ПИЦХЕЛАУРИ, С. ХИЛТУХИНА, М. ЭСАМБАЕВ, А. МУҲАММАДЖОНОВ ва бошқалар.

Бу картина сиёсий мавзуда бўлиб, унинг бош қаҳрамони сиёсатдан анча узоқ бўлган машҳур спортчидир. У Осиёдаги кичик мамлакатда давлат тўнтариши оқибатида ҳокимият тепасига келган реакцияга қарши актив курашга онгли равишда қўшилиб кетади.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИ МАҲСУЛОТИ.

Тошкент шаҳар Октябрь район давлат страхование инспекциясига қарашли Ф 240 серия 041698-700, Ф 203 а серия 817354—375, Ф 25 серия 929812-825, Ф 203 серия 942162-164, Ф 212 серия 223345-350, Ф 210 серия 519580-600, Ф 201 серия 962351-375, Ф 212 серия 223876-900 номерлардаги йўқолган КВИТАНЦИЯЛАР

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Давлат страхованиеси Тошкент шаҳар Октябрь район инспекцияси.

Тошкент Политехника институти томонидан **Талипов Рубис Алипович** номига берилган 241429 номерли йўқолган ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ташпромстрой» ишлаб чиқариш бирлашмаси 364-кўчма механизациялаштирилган колоннаси касаба союз комитетининг йўқолган ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Бирлик» номли маҳалла комитетининг йўқолган УЧБУРЧАКЛИ ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Самарқанд область Пахтачи районидаги 13-ўрта мактаб томонидан **Примов Фахриддин Абдимуродович** номига берилган 222135 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТАШКЕНТДОРСТРОЙ» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун

«С» категориясидаги автомобиль ҳайдовчилари (профессионал ҳайдовчилар-учинчи класс) **тайёрлайдиган**

КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КУРСЛАРГА ҲАҚИҚИЙ ҲАРБИЙ ХИЗМАТ МУДДАТИНИ ЎТАБ БЎЛГАН, ФАҚАТ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН ЙИГИТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Ўқувчиларга ойига 60 сўмдан стипендия тўланади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 5 ОЙ.

ЎҚИШЛАР РУС ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: шоферлик комиссиясидан ўтганлиги тўғрисида медицина справкаси, 3 дона фотосурат (3,5х4,5 см.), паспорт, ҳарбий билет, меҳнат дафтарчаси ва маълумоти тўғрисида ҳужжат.

Ўқув пункти 46-автобаза территориясида жойлашган (23-автобуснинг «46-автобаза», 26, 30, 61-автобусларнинг «Янгиобод» бекати).

**Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети
Бош савдо бошқармаси**

«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

**контролёр-кассирлар тайёрлаш бўйича
6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА
озиқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи кичик сотувчиларни тайёрлайдиган**
4 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

8—10 синф ҳажмида маълумотли, 16 ёшдан 25 ёшгача, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган ёшлар имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Ўқувчилар бир вақтнинг ўзида кечки мактабда ёки савдо техникумида ўқишлари мумкин.

«Ёшлик» мактаб-магазинини тамомлаганлар катта магазинларга ишга юбориладилар ва уларга имтиёзли равишда совет савдо техникумининг кечки бўлимига ўқишга кириш имконияти берилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, **Кафанов кўчаси, 65-уй (2, 5, 9, 1, 10, 24, 8-трамвайлар: 39, 22,** 55, 3, 80-автобусларнинг «Госпиталь бозори» бекати. Справкалар учун телефон 55-75-15).

ТВ

душанба

29 ОКТЯБРЬ

● МТ I

17.20 «Объектив».
17.50 «Ишлар ва одамлар». Киев автомат станоклар заводининг иш тажрибаси ҳақида.
18.20 Мультфильм.
18.45 «Футбол шарҳи».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Арфа квартети чалади.
19.40 Комсомол туғилган кунга. «Дунё ва ёшлар».
20.20 «Комсомоллар — тиним билмас қалблар». Музикали кўрсатув.
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР кубоги. 1/8 финал. «Спартак» —«Зенит». Танаффус пайтида (22.45) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 Хотин-қизлар камер хорининг концерти.
19.05 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар». Ҳайкалтарош С. Пименов.
19.50 Бадминтон бўйича халқаро турнир.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 «Қиролнинг ҳамма лашкарлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия.
23.15 «Кинотомошабин ҳамроҳи».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.).
19.00 «Ёзувчилар — пахтакорларга».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.05 «Партия турмуши».
20.30 «Ахборот».
20.55 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси уйғур ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Ғалабанинг 40 йиллигига. «Халқ жасорати саҳифалари» (рус.).
23.20 Янгиликлар.

● Ўз ТВ II

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Ташаббускорлар ўз сўзларининг устидан чиқмоқдалар». «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмасининг токари, ўн бешлар почини ташаббускори В. Бочков ҳақида ҳикоя (рус.).
18.30 «Инсонлар қалбига қулоқ солиб». Ҳужжатли фильм.
19.20 Врач маслаҳати.
19.40 «Гжель жилолари». Телефильм.
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 Комсомол туғилган кунга. «Оловли қирғоқ». Бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

сешанба

30 ОКТЯБРЬ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.
9.55 «Ўсмирлар ижоди».
10.25 «Йўқолган гувоҳ». Бадиий фильм.
11.50 «Хита Кутателадзе». Телефильм премьераси.
12.15 «Сизни Свердлов опера театри таклиф этади...».
12.50 Янгиликлар.
15.00 Янгиликлар.
15.20 Социалистик мамлакатлар ҳужжатли фильмлари: «Ватаним — Брно» (ЧССР), «Фильмнинг давоми» (РСР), «Поляк кемасозлари ҳузурида меҳмонда» (ПХР), «Мейсенлик рассом» (ГДР).
16.00 М. В. Ломоносов номли МДУ фортепьяно класси халқ коллективи ҳақида концерт-очерк.
16.45 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
17.15 «Ерда, самода ва денгизда».
17.45 В. Маяковский. «Граждан лик лирикаси».
18.45 Белоруссия Давлат рақс ансамблининг концерти.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Урушсиз йигирма кун». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.00 «Нима? Қаерда? Қачон?». Телевикторина.
23.15 «Дунё воқеалари».
23.30 Шахмат бўйича жаҳон чемпионати.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Бўёқлар оҳанги». Телефильм.
10.55—11.05 «Витим қирғоқлари». Илмий-оммабоп фильм.
12.05—12.40 «Шахмат мактаби».
14.20 Тарих саҳифалари. «Қалб хотираси». Шуҳрат орденлари кавалерлари, Улуғ Ватан уруши ветеранлари ҳақида.
15.05 «Революция қўшиқлари».
15.30 «А. С. Макаренко — педагог, ёзувчи, гражданин».
16.20 Янгиликлар.
18.30 Янгиликлар.
18.50 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
19.35 Халқ куйлари.
19.45 «Сизга манзур адабиётлар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Сиз бунга қодирсиз».
21.30 «Время».
22.00 «Қиролнинг ҳамма лашкарлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.10 «Соя — ажойиб ўсимлик». Илмий-оммабоп фильм.
23.20 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Сокол». 3-давр.
24.00 Л. Мартинов. «Ҳавода учувчи денгиз қушлари».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Болалар учун фильм. «Менинг дадам — капитан».
11.35 «Кекса авлод». Телефильм.
12.30 «Ёш табиатшунослар».
13.00 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.15 Мультфильм.
18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
19.00 «Ягона сиёсий кун». «Ўзбекистон—СССР халқларининг қардошлик оиласида» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.50 «Шарқ юлдузи» журнали саҳифаларида.
20.30 «Ахборот».
20.55 ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар Ҳ. Кодирова ва И. Бўронов концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Хирмонингизга барака».
22.15 «Халқ оғзаки ижоди».
23.10 Янгиликлар.

● Ўз ТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Ўқув программаси.
18.45 «Келажак заводлари». Ҳужжатли фильм.
19.05 Ўқув программаси (рус.).
19.40 «Псков». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 «Тузоқ». Бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

театр

НАВОИЙ НОМ... ДАВЛАТ АКАДЕ... ТЕАТРИДА — 30/... ли фаришта, 31/Х ... хот.

ҲАМЗА НОМ... ДАВЛАТ АКАДЕ... ТЕАТРИДА — 30/... репортажи, 31/Х ...

МУҚИМИЙ НОМ... ДАВЛАТ МУЗИ... РИДА — 29/Х ... нинг эри, 31/Х ...

цирк

ТОШКЕНТ ДАВ... КИДА — Совет ... ри иштирокида ... ма (19.30).

кино

29 ОКТЯБРЬ...

БАДИИЙ ФИЛЬ...

«БОББИ» — ... ли (17, 20.00, ... 80).
«ЧАНГДА ҚОЛГ... — Санъат саройи ... телефон 44-21-74).
«ГАНГА ВА Ж... Қозоғистон (17, ... 21.00; телефон 35-...
«ОҚ БЎРИЛАР ... ИЗИ» — Тошкент ... 50 йиллиги номли ... телефон 78-47-25).
«АГЕНТНИНГ ... ЛИШИ» — Москва ... 21.00; телефон 33-...
«ЭРАМИЗДАН ... ЙИЛ ИЛГАРИ», ... БЎЛГАН А... МЕҲМОНХОНАСИ» ... (18.30, 21.00; те... 70-69).
«БАБЕТТА УР... РАДИ» — Чайка ... ларда, телефон 77-...
«РОККО ВА УН... УКАЛАРИ» — ... 21.00).
«СИНЬОР РОБИ... Дружба (жуфт ва т... да, телефон 66-15-... (жуфт соатларда, ... 91-14-61).
«ҒИРТ ЕЛҒ... Ўзбекистон ССР ... номли (18.30, 21.0... 53-65-87), Тинчлик ... телефон 58-36-06).
«ЯЛТИРОҚ ДУ... М. Шайхзода номли ... ларда, телефон 42-...
«ТУБСИЗЛИКДАН ... ТАЖ» — Искра ... ларда, телефон 39-... С. Раҳимов номли ... ларда, телефон 48-...
«СОЯБОН ЗАР... К. Ерматов номли ... тоқ соатларда, те... 22-66).
«БУРГУТ ИЗИ» — ... номли (тоқ соатларда ... 96-34-02).

30 ОКТЯБРЬ...


БАДИИЙ ФИЛЬ...

«БОББИ» — Ғ. ... ли (11, 14, 17, 20.0... 44-42-80).
«ЧАНГДА ҚОЛГ... — Санъат саройи (11, ... 19.45; телефон 44-...
«ГАНГА ВА Ж... Қозоғистон (11, 14, ... 12, 15, 18, 21.00, ... 35-24-92).
«ОҚ БЎРИЛАР ... ИЗИ» — Тошкент ... 50 йиллиги номли ... 21.00; телефон 78-...
«АГЕНТНИНГ ... ЛИШИ» — Москва ... 16, 18.30, 21.00; ... 33-05-01).
«ЭРАМИЗДАН ... ЙИЛ ИЛГАРИ», ... БЎЛГАН А... МЕҲМОНХОНАСИ» ... (11, 13.30, 16, 18.3... телефон 46-70-69).
«БАБЕТТА УР... РАДИ» — Чайка ... ларда, телефон 77-...
«РОККО ВА УН... УКАЛАРИ» — ... 18, 21.00).
«СИНЬОР РОБИ... Дружба (жуфт ва т... да, телефон 66-15-... (жуфт соатларда, ... 91-14-61).
«ҒИРТ ЕЛҒ... Ўзбекистон ССР ... номли (11, 13.30, ... 21.00; телефон ... Тинчлик (12, 15, ... телефон 58-36-06).
«ЯЛТИРОҚ ДУ... М. Шайхзода номли ... ларда, телефон 42-...
«ТУБСИЗЛИКДАН ... ТАЖ» — Искра ... ларда, телефон 39-... С. Раҳимов номли ... ларда, телефон 48-...
«СОЯБОН ЗАР... К. Ерматов номли ... тоқ соатларда, те... 22-66).
«БУРГУТ ИЗИ» — ... номли (тоқ соатларда ... 96-34-02).

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

— орган Ташкентского гор... Узбекистана и Ташгорсове...

(Газета бир йилда 300 марта ...)



БИЗНИНГ АДРЕС:

700047, ТОШКЕНТ ШАҲ...

ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, ...

Телефонлар: секретариат— 33-57-02; ... партия турмуши— 32-53-66; саноат —33-... —32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; ... ши ва ҳуқуқ— 32-54-19; фан, мактаб, олий ... рн — 32-53-10; адабиёт ва санъат—33-... —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ... 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-... диспетчери — 32-78-94.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг ... Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс ...

Р—09539. Б-2015.